

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни ёқилги-энергетика тармоғида самарадорликни ошириш, энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда иқтисодийни кескин ривожлантириш бўйича катта мақсадлар белгиланган. Бунинг учун янги энергия қувватларини ишга тушириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Масалан, юртимизда минг долларлик ялпи ички маҳсулот яратиш учун ривожланган давлатларга нисбатан 2-3 баробар кўп энергия сарфланади. Нефть маҳсулотларига йиллик талабнинг 44 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Шу боис, йиғилишда яқин йилларда энергия сарфини 2-2,5 баробарга қисқартириш масалалари муҳокама қилинди.

Оммабоп қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва юк автомобилларини газга мослашган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Жорий йил якунигача 3 та пропан-

бутан аралашмаси ҳамда синтетик ёқилги (GTL) заводи ишга туширилиши қайд этилди. Бунинг натижасида авиакеросин, дизель ва суолтирилган газ импортига тўлиқ барҳам берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фоизи биноларни иситиш ва ёритишга сарфланади. Бу жараёнда исрофгарчилик ҳам кўп. Масалан, 1 квадрат метр майдонни иситиш учун юртимизда ўртача 400 киловатт-соат, иқлим шароити бизга яқин ривожланган давлатларда эса 170 киловатт-соат энергия ишлатилади.

Шу боис, кўп қаватли уйлари лойиҳалаш ва қуришда энергия тежовчи технологияларни кенг қўллаш, ижтимоий соҳа объектларининг энергия самарадорлигини оширишга хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Саноатдаги энергия сарфи ҳам таҳлил қилинар экан, ҳар бир соҳа ва тармоқ кесимида ушбу ресурсни тежаш ва самарадорлигини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Халқаро энергоаудит ташкилотларини жалб қилиб, 285 та йирик саноат корхонасининг энергия самарадорлигини ўрганиш, уч сменада иш ташкил этган тадбиркорларга кечки смена учун электр тарифини 1,5 баробар камайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари — ҳали тўла фойдаланилмаётган улкан резервлардан бири. Албатта, бу йўналиш аввалга катта харажат талаб қилади. Лекин бу келажақда табиий газ ва нефть танқислигини ҳал қилиш, истеъмолчилар учун эса сарф-харажатларни камида 2 баробар тежаш имконини берса, ўзини оқлайди.

Мисол учун, агар 150 мингта ҳонадонга қуёш панеллари ва сув иситиш тизимлари ўрнатилса, йилига 319 миллион куб метр табиий газни тежаш мумкин.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш, қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, жаҳон тажрибаси асосида истеъмолчиларга қўшимча шарт-шароит яратиш муҳимлиги таъкидланди. Соҳага тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиш, вилоятларда қуёш фотозлектр ва шамол электр станциялари қуришга доир масалалар кўриб чиқилди.

Электр энергияси ҳамда табиий газ сарфини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини янада кенг жорий этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Карантин сабабли ёқилги-энергетика корхоналарида маблағ танқислиги вужудга келишини инобатга олиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айланма маблағларини қўлайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг коронавирус пандемиясига қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатларимизда ушбу хавфли касаллик тарқалишининг, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларга салбий оқибатларини камайтириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида қабул қилинган қарорларга мурофиқ ташкил этилган соғлиқни сақлаш ва

транспорт вазирликлари раҳбарларининг кўп томонлама маслаҳатлашувлари натижалари юксак баҳоланди.

Президентлар Ўзбекистонда Сардоба сув омборидаги фавқуллода ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.


Мулоқот якунида ўзаро товар айирбошлашнинг юқори суръатини сақлаш, иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперацияни кенгайтириш, устувор инвестиция ва инфратузилма, жумладан, минтақавий аҳамиятта молик лойиҳаларни илгари суришга қаратилган биргаликдаги ишларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Сўхбат чоғида қатор халқаро масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

ЎЗА

ҲЕЧ БИР ИНСОН, ҲЕЧ БИР ОИЛА ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИҚДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ!

МЕҲР ҚАРВОНИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА



Жўрабек ЖАҲОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Бонидан катта синовни ўтказаятган матонатли эл — сирдарёликларга далда бериш, уларнинг дарду ташвишларига шерик бўлиб, кўнгилларини кўтариш, бутун миллат улар билан бирга эканини билдириш, фақат тўю томошаларда эмас, мана шундай синовли кунларда ҳам биргаликда елка-елка туриб, барча машаққатларни матонат билан енгишимизни айтиш мақсадида Сирдарё томон йўлга тушдик.

“Сирдарёликларга ёрдам” меҳр-саховат хайрияти доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳисобидан харид қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий гигиена воситалари ҳамда уюшма томонидан чоп этилган мингдан зиёд бадиий китоб, қолаверса, болажонлар учун рангли қалам, расм дафтари, чизгич ва шу сингари ўқув қуролларидан иборат қарвонимиз мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келаётган, турли ташкилот ва идораларга тегишли автоуловлардан иборат бошу адоғи кўринмайдиган меҳр қарвонига қўшилиб, изма-из Сардоба томон олиб борди.

Аҳоли билан учрашувларга отланиб турганимизда, юпунгина кийинган, озгин бир киши келиб: “Кечирасизлар, пластик карточкамдан бир миллион сўм кийналганларга ўтказиб бермоқчи эдим”, деб қолди. Узини Сулаймон деб таништирган бу инсон билан сўхбатлашиб билдимки, уйини таъмирлаш учун анчадан бери пул йиғаятган экан.

— Барака топинг! Йиққан пулларингиздан орттириб, элдошларингизга ёрдам қилай дебсиз-да. Бўлмаса хайрия қилмоқчи бўлган пулингизга қанча қурилиш молларини олса бўлади. Қанча йиғдингиз ўзи?

Давоми 2-бетда

Сафар ОСТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,

Меҳрож ДАРҲОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

Ҳаммамиз билиб, кўриб турибмиз, 2020 йилнинг баҳори ташвишли келди, синовлари кўп бўлди. Коронавирус пандемияси вақтида халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимида янги лойиҳаларни зудлик билан амалга ошириш, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар бўйича чора-тадбирларни белгилаб олиш... Эҳ-хе... санайверсак, адоғига етиш қийин.

Давоми 2-бетда

Дунёни меҳр-муҳаббат қутқаради

ёки бирлик, ҳамдардлик, саховат ва
қўмакнинг куч-қудрати ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 27 апрель куни ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

ШУ ДАВРДА ТАРМОҚҚА АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР 3 БАРОБАРГА ОШИДИ. УСКУНАЛАРНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИ ЯНГИЛАНДИ. 850 ТАДАН ЗИЁД ИЛҒОР ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

НАТИЖАДА ҚИДИРИЛАЁТГАН ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАРИ ТУРЛАРИ 3 ТАДАН 17 ТАГА КЕНГАЙДИ. РУДА ТАРКИБИДА АНИҚЛАНДИГАН ЭЛЕМЕНТЛАР Сони 12 ТАДАН 40 ТАГА ЕТКАЗИЛДИ. 2019 ЙИЛДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК БОР ЗАМОНАВИЙ АЗРОГЕОФИЗИК КОМПЛЕКС ИШГА ТУШИРИЛИБ, ЕР ҚАЪРИНИ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДА ЎРГАНИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.



ШУНИНГДЕК, ГЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИНГ БОШЛАНГИЧ БОСҚИЧИДА ЗАМОНАВИЙ ГИС-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ДУНЁДА ТАН ОЛИНГАН GLOBAL-MAPPER, ERDAS, ENVI ДАСТУРЛАРИ ВА ЮҚОРИ АНИҚЛИҚДАГИ LANDSAT, ASTER КОСМОСУРАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.



ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАЙЁР 20 ТА КОНГА ТАЖРИБАЛИ ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ, БОШҚА ИСТИҚБОЛЛИ МАЙДОНЛАР БЎЙИЧА САРМОЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ.

3 МИНГ ГЕКТАРГА СУВ ЧИҚАРИШ УЧУН 70 ТА ҚУДУҚ БУРҒИЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФА ҚЎЙИЛДИ.



ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ҲАМ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ХУСУСАН, ҚУДУҚЛАР ҚАЗИШ УЧУН ҲАР БИР ТУМАНГА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР ЕТКАЗИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН.

250 ТА КУЗАТУВ ҚУДУҒИДА ЕР ОСТИ СУВИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ МАСОФАДАН АВТОМАТИК ЎЛЧАШ ҚУРИЛМАЛАРИ ЎРНАТИЛДИ. СОҲАДАГИ ИШЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ МАҚСАДИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИГА 1,6 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ.



